

«Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги  
ШАРТНОМА

№ 88  
“27” январ 2022 й.

Навоий шаҳри

“Маҳсулот етказиб берувчи” деб аталувчи “Навоий нефть базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан унга 2021 йил 30 декабрда берилган 01-12/01-1507-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи нефть маҳсулотларини сотиш бўлими бошлиғи Ғ.Эсанов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Набахор туман ирригация бўлими номидан Низом асосида иш юритувчи бўлим бошлиғи А.Аъзамов иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Маҳсулот етказиб берувчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмасига мувофиқ тегишли русум ва микдордаги нефть маҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса нефть маҳсулотлари учун олдидан ҳақини тўлаб қабул қилиб олиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади.

1.2. Етказиб бериладиган нефть маҳсулотлари микдори, баҳоси ва муддатлари қуйидаги жадвалда белгилаб қўйилади.

Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Нархи (қўшимча қиймат солиғи билан)	Микдори	Суммаси	Етказиб бериш даври
Диз топ ЭКО бюджет	Тн	11616058	0,430	4 994 904,94	
Бензин АИ 80	тн	8052266	0,120	966 271,92	
				5 961 176,86	

2. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилгани сўралган нефть маҳсулотлари учун олдидан 100 фоиз тўловлар келиб тушгандан сўнг нефть маҳсулотлари етказиб берилади.

2.2. “Истеъмолчи”да нефть маҳсулотларини сақлаш учун илоравий нефть омбори ҳамда нефть маҳсулотларини ташини учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефть маҳсулотлари уларнинг автотранспортга юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситаси ва енгини “Хавфли юкларни ташини қондалари”га ҳамда 1510-84 сонли Давлат стандарти шарҳларига мувофиқ жиҳозланган бўлиши лозим. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефть омбори ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотлари қўйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бунш келиб-қетиши учун “Маҳсулот етказиб берувчи” жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг вакили кузатувида “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, автосингм колпоғи ГОСТ 1510 асосида “Истеъмолчи”

вакилининг талабига мувофиқ тамғаланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефть омборида амалга оширилади. Товар-транспорт нақлиёти расмийлаштирилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.4. Нефть маҳсулотлари “Маҳсулот етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёниги тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишончномасига мувофиқ маҳсулотни ёкиги тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Махсус рухсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёниги тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шахобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритилади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот микдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни микдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. «Харидор»нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади. Маҳсулот юкланган автотранспорт воситаси «Харидор» вакили кузатувида “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефть омбори ҳудудидан чиқарилгандан сўнг маҳсулот микдори ва сифати бўйича жавобгарлик ва маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий ноҳуд бўлиши, нефть маҳсулотларига зиён етиш хавфи “Харидор” зиммасига ўтади. “Харидор” вакили кузатувида олиб кетилган маҳсулот микдори ва сифати бўйича эътироз қабул қилинмайди.

3. ЎЗАРО ҲИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 5 961 176,86 (беш миллион тўққиз юз олтимиш бир миң бир юз етмиш олти сўм 86г) сўмни ташкил қилади.

3.2. Ушбу шартнома маҳсулот етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос бўлади.

3.3. Бюджет маблағлари ҳисобидан 5 961 176,86 сўм;

Махсус ҳисоб рақамдан \_\_\_\_\_ сўм.

3.4. Ушбу шартнома маҳсулот етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос бўлади.

3.5. Бюджет ташкилотларига, пахта ҳомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер ҳўжалиқларига ва пахта-туқимачилик кластерларига, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, маиший чикиндиларни тўлаш ва олиб чиқиб бўйича давлат корхоналари (истеъмолчиларнинг айрим тоифалари)га дизел ёқилгиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилгиси) ўрнатилган тартибда биржа савдолари натижаларига қўра шаклланган ўртacha биржа нархларида сотилади.

3.4. Ушбу шартноманинг 3.3. бандида назарда тутилган айрим тоифадаги истеъмолчилардан ташқари бошқа истеъмолчиларга маҳсулот етказиб берилиши санасида нефть базарда шаклланган сотиш нархида маҳсулот етказиб берилади.

3.5. “Истеъмолчи” нефть маҳсулотларининг харид қилинадиган партияси учун ҳақини олдидан 100 фоиз микдорда «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига тўлайди. Олдидан тўлов пул кўчирини йўли билан амалга оширилади. Пул маблағи “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига келиб тушган маҳсулот етказиб берилади.

3.6. Махсус шартномада шартнома тузиллиши жараёнида ва санасида амалда бўлган нархи қўлланилган бўлиб, ўзаро ҳисоб китоблар маҳсулотни “Истеъмолчи”га етказиб берилиши санасида амалда бўлган нархларда амалга оширилади.

3.7. Хар ойининг якуни бўйича ўзаро ҳисоб китобларни таққослаш учун “Истеъмолчи” вакилини “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг ҳузурига юборади. Якуний ҳисоб китоблар учун счeт-фактура асос бўлади.

4. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

4.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» «Харидор» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб бериши кафолигайди. Етказиб бериладиган нефть маҳсулотларининг сифати оид маълумотлар маҳсулот етказиб берилиши жараёнида тақдим қилинадиган сифат паспортига қайд этилади. Маҳсулот Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши лозим.